ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 1.01.06-23 «ЛОЙИҲАЛАШ ИШЛАРИНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ. ТУРАР ЖОЙ ВА ФУҚАРОВИЙ ОБЪЕКТЛАР» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 6 ноябрда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 217]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 1.01.06-2023 «Лойиҳалаш ишларининг давомийлиги. Турар жой ва фуқаровий объектлар» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 20 октябрь,
343-сон
Келишилди:

Транспорт вазири И. МАХКАМОВ

2023 йил 29 сентябрь

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2023 йил 2 октябрь

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ

2023 йил 26 сентябрь

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. АБДУХАКИМОВ

2023 йил 17 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги
вазирининг 2023 йил 20 октябрдаги
343-сон буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 1.01.06-23 «Лойиҳалаш ишларининг давомийлиги. Турар жой ва фуқаровий объектлар» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) давлат маблағлари ҳисобига қуриладиган турар жой ва фуқаровий объектлар учун лойиҳа (лойиҳа-смета) ҳужжатларини ишлаб чиқишга сарфланадиган вақт нормаларини аниқлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Атамалар ва таърифлар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги атамалар қўлланилади:

лойиҳалаш ишларининг давомийлиги — меъёрий ҳужжатлар, техник регламентлар талаблари билан белгиланган асосий иш ҳажмининг бажарилишини ҳисобга оладиган вақт (кунлар, ойлар);

вақт нормаси — бирлик лойиҳалаш маҳсулотини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган вақтни белгиловчи кўрсаткич.

2-боб. Умумий қоидалар

2. Лойиҳалаш ишларини бажариш қуйидагилар билан функционал равишда ўзаро боғлиқ бўлиши лозим:

битта маҳсулотни ишлаб чиқиш учун вақт нормаси;

ишнинг умумий меҳнат сарфи;

лойиҳалаш жараёнларини биргаликда олиб бориш имконияти.

3. Лойиҳа ишларининг давомийлиги қуйидаги қўшимча ишлар учун кетадиган вақтни ҳисобга олмайди:

дастлабки материаллар, маълумотлар ва рухсатномаларни тўплаш ва таҳлил қилиш, қурилишнинг техник-иқтисодий асосларини (ТИА), техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни (ТИҲК) тузиш;

муҳандислик-қидирув ишларини бажариш;

ваколатли давлат органлари билан келишиш ишлари (зарур бўлганда техник шартларни ишлаб чиқиш билан);

лойиҳалаш топшириғини ишлаб чиқиш ва келишиш;

металл, ёғоч ва бошқа конструкцияларнинг деталлаштирилган чизмаларини, шунингдек, ностандарт ускуналарни ишлаб чиқариш учун конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

мижознинг қўшимча топшириғи ёки у томондан лойиҳалаш учун дастлабки маълумотларнинг ўзгартирилиши сабабли лойиҳа ҳужжатларини қайта ишлаш ёки уларга ўзгартириш киритиш;

қурилиш учун майдонни (трассани) аниқлаш;

кўргазма материалларини, лойиҳалаштирилган объектлар (бинолар, майдонлар)нинг макетларини тайёрлаш;

лойиҳалашда илмий-тадқиқот ва тажриба ишларини олиб бориш;

босқичма-босқич ишлаб чиқиш бўйича эксперт ёрдамини кўрсатиш;

бадиий реставрация ишларни бажариш;

чет эл компаниялари (Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган) билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган қурилиш объектларини лойиҳалашни амалга ошириш;

лойиҳа ҳужжатларини шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ҳамда давлат экологик экспертизасидан ўтказиш ва тасдиқлаш;

муаллифлик назоратини амалга ошириш;

танловларда иштирок этиш ва ҳужжатларни тайёрлаш.

4. Агар лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш вақтида уларни тасдиқлаш зарур бўлса, тасдиқлаш учун керак бўлган вақт, ушбу ШНҚнинг 3-бобига мувофиқ аниқланадиган лойиҳалаш муддати вақтига қўшилади.

5. Ягона архитектура ғояси ёки технологик жараён билан боғланган бир нечта объектлардан иборат кўп функцияли комплексни лойиҳалаш ишларининг давомийлиги, шунингдек ташқи муҳандислик тармоқларини лойиҳалаш муддати ушбу ШНҚнинг 1-иловасида келтирилган намунавий тақвимий жадвал асосида аниқланади.

6. Асосий объектлар билан ташқи муҳандислик тармоғи ҳамда биноларнинг ёнига бириктириб ва юқорисига қуриладиган хоналарни лойиҳалаш жараёнини бирга олиб боришда лойиҳалаш ишларининг давомийлиги ушбу ШНҚнинг 2-иловасига мувофиқ коэффициентлар ёрдамида аниқланади.

7. Намунавий лойиҳаларни қурилиш жойига боғлашда лойиҳалаш ишларининг давомийлиги ушбу ШНҚнинг 3-бобига мувофиқ жадвалларда келтирилган лойиҳалаш муддати нисбатан қуйидагича аниқланади:

нолинчи циклни қайта ишлаш — 30 %;

биринчи нотурар жой қаватининг фойдаланиш мақсадининг ўзгариши — 50 %;

қаватлар сонининг ўзгариши — 60 %.

8. Лойиҳани қурилиш жойига боғлашда ушбу ШНҚнинг 7-бандида кўрсатилган икки ёки ундан ортиқ шартларни бажариш зарур бўлса, лойиҳалаш ишларининг давомийлиги ушбу ШНҚнинг 3-бобига мувофиқ жадваллар бўйича 0,8 коэффициенти билан олинади.

Лойиҳани қурилиш жойига боғлаш ишларининг минимал давомийлиги:

иморатлар орасида бўлса — 2 ой;

алоҳида участкада — 2,5 ой бўлиши керак.

9. Турли функционал мақсадлардаги қурилиш объектларини лойиҳалаш ишларининг давомийлиги ушбу ШНҚнинг 3-бобида кўрсатилган жадвалларда келтирилган.

Лойиҳалаш ишларининг минимал давомийлик қийматлари объектнинг жадвалларда кўрсатилган минимал қувватига мувофиқ, оралиқ қийматлар эса интерполяция йўли билан олинади. Объектнинг қуввати жадвалларда берилган максимал қийматдан ошса, лойиҳалаш ишларининг давомийлиги экстраполяция усули билан аниқланади.

Агар объектнинг қуввати интервал («гача», «дан ва гача», «кўп») сифатида берилган бўлса, лойиҳалаш ишларининг давомийлиги жадвалда берилган қиймат бўйича аниқланади.

Агар объект учун битта қувват қиймати берилган бўлса, бошқа қувватга эга бўлган ўхшаш объектни лойиҳалаш ишларининг давомийлиги жадвалда кўрсатилган объектнинг бирлик қуввати давомийлиги асосида аниқланади.

10. Мазкур ШНҚда белгиланган лойиҳалаш ишларининг давомийлиги бадиий безаш ва реставрация қилиш ишлари ҳамда чет эл объектларини лойиҳалаш учун амал қилмайди.

3-боб. Лойиҳа ишларининг давомийлиги учун нормалар

1-§. Кичик даҳалар (мавзелар), шаҳарсозлик мажмуалари (муҳандислик тармоқлари билан қуриш, ҳудудни ободонлаштириш ва тайёрлаш (турар жой бинолари, маданий ва коммунал объектларни жойга боғламасдан)

1-жадвал

Т/р	Объект номи	Умумий майдон қуввати, минг m^2	Лойиҳалаш муддати, ой		
			лойиҳа ҳужжатлари	ишчи ҳужжатлар	лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар
1	2	3	4	5	6
1.	Кўп қаватли бинолар (9 ва ундан кўп қават)	50 гача	4,0	4,5	7,0
		50 дан 100 гача	5,0	5,5	7,5
		100 дан 150 гача	6,0	6,5	8,0
		150 дан 250 гача	7,0	7,5	9,0
		250 дан юқори	7,5	8,0	9,5
2.	Ўрта қаватли бинолар (5 — 8 қават)	15	3,0	3,5	5,0
		15 дан 75 гача	4,0	4,5	6,0
		75 дан юқори	4,5	5,0	6,5
3.	Кам қаватли бинолар (4 қаватгача)	5	2,0	2,5	3,0
		5 дан 35 гача	2,5	3,0	4,0
		35 дан юқори	3,0	3,5	4,5

Изоҳ:

Кичик даҳа (мавзе) майдонининг 30 % дан ортиқ бўлган қисмида мураккаблаштирувчи омиллар мавжуд бўлса, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади:

мавжуд сақланиб қолинадиган бинолар учун — 1,2;

мураккаб геологик ва гидрогеологик шароитлар, сув билан тўйинган тупроқлар, чўкувчан тупроқлар учун — 1,2;

ер юзасининг қиялиги 0,005 дан кам ва 0,05 дан ортиқ бўлганда — 1,1.

2-§. Маъмурий-идоравий объектлар

2-жадвал

Т/р	Объект номи	Объектнинг натурал кўрсаткичлардаги қуввати	Лойиҳалаш муддати, ой		
			лойиҳа ҳужжатлари	ишчи ҳужжатлар	лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар
1	2	3	4	5	6
Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг объектлари					
1.	Маҳаллий органлар объекти	иш ўринлари			
		10	1,5	2,0	2,5
		20	2,0	2,5	3,0
Суд, прокуратура, ички ишлар органлари объектлари					
2.	Суд, прокуратура	иш ўринлари			
		10	1,5	2,0	2,5
		50	2,0	2,5	3,0
3.	Ички ишлар органлари	-	2,5	3,0	3,5

4.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати	-	2,0	2,5	3,0
Офис объектлари					
5.	Офис биноси (алоҳида жойлашган)	иш жойлари			
		50	1,5	2,0	2,5
		100	2,5	3,0	3,5
		200	3,0	4,0	4,5
Молия, кредит ва суғурта ташкилотларининг объектлари					
6.	Банк (мавжуд бинога бириктирилган)	иш жойлари			
		10	1,5	2,0	2,5
		30	2,0	2,5	3,0
		50	2,5	3,0	3,5
7.	Банк (алоҳида қурилган)	иш жойлари			
		50	3,0	3,5	4,0
		100	3,5	4,0	4,5
		200	4,0	4,5	5,0

3-§. Маданий-маърифий муассасалар

3-жадвал

Т/р	**Объект номи**	**Объектнинг натурал кўрсаткичлардаги қуввати**	**Лойиҳалаш муддати, ой**		
			лойиҳа ҳужжатлари	**ишчи ҳужжатлар**	**лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар**
1	2	3	4	5	6
Маданий-маърифий объектлар					
1.	Кутубхона	Китоб фонди, жилд, минг	1,5	2,0	2,5
		100	2	2,5	3,0
		200	2,5	3,0	4,0
		500	3,0	3,5	5,5
		1000	4,0	4,5	6,0
2.	Музей	Қурилиш ҳажми, 1000 m^3			
		10	5,0	5,5	7,0
		30	5,5	6,0	8,0
		50	6,0	6,5	9,0
Маданий ва кўнгилочар объектлар					
3.	Кинотеатр	Ўриндиқлар сони			
		300	2,5	3,0	4,0
		500	4,0	4,5	6,0
		800	4,5	5,0	7,0
4.	Концерт зали	Ўриндиқлар сони			
		1000	5,0	5,5	7,0
		1200	5,5	6,0	7,5
5.	Театр	Ўриндиқлар сони			
		400	5,0	5,5	7,0
		600	5,5	6,0	7,6
		800	6,0	6,5	8,0
		1000	7,0	7,0	9,0

4-§. Даволаш-соғломлаштириш объектлари

4-жадвал

Т/р	Объект номи	Объектнинг натурал кўрсаткичлардаги қуввати	Лойиҳалаш муддати, ой		
			лойиҳа ҳужжатлари	ишчи ҳужжатлар	лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар
1	2	3	4	5	6
Стационар даволаш-профилактика муассасалари					
1.	Касалхона	Ётоқлар сони			
		150	6,0	7,0	8,0
		500	7,0	8,0	9,0
		500 дан	8,0	9,0	11,0
2.	Болалар шифохонаси	Ётоқлар сони			
		300	5,0	6,0	7,0
		500	6,0	7,0	8,0
		500 дан ортиқ	7,0	8,0	11,5
3.	Стационар кардиология диспансери	Ётоқлар сони			
		240	5,0	6,0	7,0
4.	Стационар онкология диспансери	Ётоқлар сони			
		450	5,5	6,5	7,5
5.	Туғруқхона	Ётоқлар сони			
		250	5,0	6,0	7,0
6.	Шифохонани кенгайтириш учун тиббий бино:	Ётоқлар сони			
6.1	Терапия	60	3,0	4,0	5,0
		120	5,0	5,5	6,0
6.2.	Жарроҳлик	150	5,5	6,0	8,0
		240	6,0	7,0	9,0
6.3.	Болалар юқумли касалликлари бўлими	150	5,0	6,0	7,0
Амбулатория-поликлиника муассасалари					
7.	Поликлиника	Ташриф буюрувчилар			
		320	4,0	5,0	7,0
		500 — 800	5,0	6,0	8,0
		800 дан ортиқ	7,0	8,0	10,0
Шошилинч тиббий ёрдам ва қон қуйиш шаҳохобчалари					
8.	Тез ёрдам станцияси	Тўхташ жойлари			
		20	3,0	3,5	5,0

5-§. Спорт ва дам олиш объектлари

5-жадвал

Т/р	Объект номи	Объектнинг натурал кўрсаткичлардаги қуввати	Лойиҳалаш муддати, ой		
			лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар	ишчи ҳужжатлар	лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар
1	2	3	4	5	6
Спорт ва кўнгилочар муассасалар					
1.	Стадион, трибуналари билан	Ўриндиқлар сони			
		45000	8,1	9,5	12,0
Ёпиқ спорт иншоотлари					
2.	Спорт зали	1 та зал	5,0	6,0	7,0
		2 та зал	6,0	7,0	8,0
		3 та зал	7,0	8,0	9,0
3.	Сузиш ҳавзаси	1 та ванна	4,1	5,0	-
		2 та ванна	5,9	7,7	-
4.	Сунъий музли, ёпиқ муз майдони (трибунасиз)	майдони, m^2			
		3500	6,0	7,0	9,0
5.	Сунъий музли, ёпиқ муз майдончаси (трибуна билан)	майдони, m^2			
		7500	8,0	9,0	12,0
Спорт мажмуалари					
6.	Жисмоний тарбия ва соғломлаштириш мажмуаси	майдони, m^2			
		2000	6,0	6,5	8,0
		5000	7,0	7,5	9,0

6-§. Ижтимоий реабилитация объектлари

6-жадвал

Т/р	Объект номи	Объектнинг натурал кўрсаткичлардаги қуввати	Лойиҳалаш муддати, ой		
			лойиҳа ҳужжатлари	ишчи ҳужжатлар	лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар
1	2	3	4	5	6
Стационар ижтимоий хизмат кўрсатувчи объектлар					
1.	Чин етим ва ота-онасининг қарамоғисиз қолган болалар учун болалар уйи	Жойлар			
		250	6,0	7,0	8,0
2.	Чин етим ва ота-онасининг қарамоғисиз қолган болалар учун мактаб интернат	Ўқувчилар сони			
		375	7,0	8,0	9,0

7-§. Таълим-тарбия муассасалари

7-жадвал

Т/р	Объект номи	Объектнинг натурал кўрсаткичлардаги қуввати	Лойиҳалаш муддати, ой		
			лойиҳа ҳужжатлари	ишчи ҳужжатлар	лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар
1	2	3	4	5	6
Умумтаълим муассасалари					
1.	Мактабгача таълим ташкилотлари	Тарбияланувчилар сони			
		120	3,5	4,0	5,0
		220	4,0	4,5	6,0
2.	Умумтаълим муассасаси	Ўқувчилар сони			
		330	5,0	5,5	7,0
		550	5,0	5,5	6,0
		660	6,0	6,5	8,0
		825	6,0	6,5	7,0
		990	6,5	7,0	9,0
		1000	7,0	7,5	9,0
3.	Бошланғич синфлар учун (блокли — мавжуд мактаб биносини кенгайтириш)	Ўқувчилар сони			
		200	3,0	3,5	5,0
		300	4,0	5,0	6,0

8-§. Турар жой бинолари

8-жадвал

Т/р	Объект номи	Объектнинг натурал кўрсаткичлардаги қуввати	Лойиҳалаш муддати, ойларда		
			лойиҳа ҳужжатлари	ишчи ҳужжатлар	лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар
1	2	3	4	5	6
1.	Кўп хонадонли бинолар:	Қаватлар			
1.1.	Йиғма конструкциялардан	5	3,0	3,0	4,0
		12	4,0	4,5	5,0
		16	5,0	5,5	6,0
		22	6,0	6,5	8,0
		25	7,0	7,5	9,0
1.2.	Монолит ва йиғма-монолит	5	3,0	3,5	4,0
		12	4,0	4,5	5,0
		16	5,0	6,0	7,0
		22	6,0	7,0	8,0
		25	6,0	7,0	8,0
2.	Бир хонали турар жой бинолари	2	1,5	2,0	3,0
		3	2,0	2,5	3,0

Изоҳ:

1. Ҳар хил қаватли биноларни лойиҳалаш ишларининг давомийлиги 1,2 коэффициент билан олиниши керак.

2. Объектнинг қуввати битта бўлим (секция) учун белгиланади. Такрорланадиган қават режаси билан бир нечта бўлимларни блокировка қилишда, ҳар бир бўлим учун лойиҳалаш ишларининг давомийлиги

10 % га ошади. Такрорланмаган қаватлар сони билан бир нечта бўлимларни блоклашда ҳар бир такрорланмаган бўлимларни лойиҳалаш муддати К=0,6 коэффициент билан қабул қилинади.

9-§. Шаҳар-хўжалиги ва омборхона объектлари

9-жадвал

Т/р	Объект номи	Объектнинг натурал кўрсаткичлардаги қуввати	Лойиҳалаш муддати, ой		
			лойиҳа ҳужжатлари	ишчи ҳужжатлар	лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар
1	2	3	4	5	6
Омборхона иншоотлари					
1.	Омборхона базаси	Сақлаш жойи, минг t			
		2	3,0	3,5	4,0
		5	4,0	4,5	5,0
		10	5,0	5,5	6,0
		20	6,0	6,5	7,0
2.	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари омборхонаси	Сақлаш жойи минг m^2			
		3	3,0	3,5	4,0
		5	4,0	4,5	5,0
		10	5,0	5,5	6,0
		15	6,0	6,5	7,0
3.	Озиқ-овқат омборхонаси	Сақлаш жойи, минг t			
		2	3,5	4,0	4,5
		4	4,5	5,0	6,0
		6	5,5	6,0	7,0
Ер усти шаҳар транспорт хизмати объектлари					
4.	Автобус парки	Авто/ўрни			
		300 гача	4,0	5,0	6,0
		400	5,0	6,0	7,0
		500	6,0	7,0	8,0
5.	Троллейбус парки	Авто/ўрни			
		100 гача	3,5	4,0	5,0
		150	4,5	5,0	6,0
		250			
6.	Трамвай депоси	Вагон сони			
		150 гача	4,0	4,5	6,0
		200	5,0	5,5	7,0
		250	6,0	6,5	8,0
7.	Шаҳар йўловчи транспортининг ҳаракатланувчи таркиби учун очиқ автотураргоҳлар	ha			
		1,0 гача	3,0	3,5	4,0
		3,0 гача	4,0	4,5	5,0
		3,0 юқори	5,0	5,5	6,0
8.	Шаҳар йўловчи ташиш ҳайдовчиларига	m^2			
		3000 гача	1,5	2,0	3,0
		3000 дан ортиқ	2,5	3,5	4,0

	хизмат кўрсатиш пункти				
9.	Шаҳар йўловчи транспортининг терминал станцияси	m^2			
		250 гача	1,5	2,0	3,0
		250 юқори	2,0	3,5	4,0
10.	Шаҳар йўловчи ташиш корхонасининг ишлаб чиқариш цехи (биноси)	m^2			
		300 гача	2,5	3,0	4,0
		1000 гача	3,5	4,0	5,0
		1000 дан ортиқ	4,0	5,0	6,0
Ўсимлик етиштириш иншоотлари					
11.	Иссиқхона	минг t			
		6	4,0	5,0	7,0
		12	5,0	6,0	8,0
		18	6,0	7,0	9,0
		24	7,0	8,0	10,0
		30	8,0	9,0	11,0

Изоҳ: Шаҳар транспорти учун вақтинчалик очиқ автотураргоҳларни (автобус, троллейбус, трамвай) лойиҳалаш муддати ушбу жадвалнинг 7-бандига асосан 0,6 коэффициент ёрдамида олинади.

10-§. Саноат ва ишлаб чиқариш объектлари

10-жадвал

Т/р	**Объект номи**	**Объектнинг натурал кўрсаткичлардаги қуввати**	**Лойиҳалаш муддати, ой**		
			лойиҳа ҳужжатлари	**ишчи ҳужжатлар**	**лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар**
1	2	3	4	5	6
1.	Озиқ-овқат, шу жумладан ичимликлар ишлаб чиқариш корхонаси	t/смена			
1.1.	Гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи	5	5,0	5,5	6,0
2.	Ишлаб чиқариш ва таъмирлаш базаси	Майдони минг m^2			
		5	4,0	4,5	6,0
		10	5,0	5,0	7,0
		15	6,0	6,5	8,0

11-§. Махсус объектлар

11-жадвал

Т/р	Объект номи	Объектнинг табиий кўрсаткичлардаги қуввати	Лойиҳалаш муддати, ойларда		
			лойиҳа ҳужжатлари	ишчи ҳужжатлар	лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар
1	2	3	4	5	6
Электр таъминоти объектлари					
1.	Электр узатиш линияси 10 kVгача	500 p.m	0.5	0.8	1.0
2.	Кучланиши 6-20/0.4 kV бўлган ёпиқ икки трансформаторли подстанция (ТП) 6-20 / 0.4 4 kV	2x1000	2.7	3.2	3.6
3.	Тақсимловчи пункт 6-20 kV 16 ячейкагача	-	2,3	3,6	4,1
4.	Коррозияга қарши ер ости қувурларини электр ҳимояси	объект			
		1 та ускуна	-	1,0	1,0
		2 та ускуна	-	1,5	1,5
		3 та ускуна	-	2,0	2,0
5.	Кўчаларни ёритиш (йўллар, йўлаклар, кўчалар)	1000 p.m	0.5	0.8	1.0
6.	Туннелнинг тўсилган қисмини ишчи ёритиш	1000 p.m	1,1	1,5	2,0
Сув таъминоти иншоотлари					
7.	Сув таъминоти тармоқлари	диаметри (mm)			
		600 гача	3,0	3,5	4,0
		600 дан 1000 гача	3,5	4,0	4,5
		1000 дан ортиқ	4,0	4,5	5,5
8.	Сув олиш узели	1	3,0	4,0	5,5
9.	Насос станцияси	1	1,5	2,0	3,0
Сувни зарарсизлантириш ва оқова сувларни оқизиш иншоотлари					
10.	Оқова сувларни оқизиш тармоғи (босимсиз)	диаметри (mm)			
		600 гача	2,0	3,0	4,0
		600 дан 1500 гача	3,5	4,5	5,5
		1500 дан ортиқ	4,0	6,0	7,0
11.	Ер усти оқова сувларни тозалаш иншоотлари	Қуввати, m^3/s			
		0,1 гача	3,0	4,0	5,0
		0,1 дан 0,5 гача	4,0	4,5	6,5
		0,5 дан юқори	4,5	5,5	8,0
Иссиқлик таъминоти объектлари					
12.	Иситиш тармоқлари	диаметри (mm)			
		500 гача	3,0	4,0	4,5

		1000 гача	4,0	5,0	6,0
		1000 дан ортиқ	5,0	6,5	8,0
13.	Туман иситиш станцияси	Gcal /h			
		200 гача	5,4	9,0	10,8
		300	6,3	10,8	12,6
		400 дан 600 гача	7,2	12,6	14,4
		600 дан 800 гача	8,1	13,5	15,3
		800 дан ортиқ	9,0	15,3	17,1
14.	Марказий иситиш станцияси	Gcal /h			
		0,1	1,4	1,8	2,7
		1	1,8	4,5	5,4
		3	2,3	5,4	6,3
		5	2,7	6,3	7,2
		10	4,5	7,2	8,1
		20	5.4	8.1	9.9
Газ таъминоти объектлари					
15.	Газ қувурлари	диаметри (mm)			
		300 гача	1,5	2,0	3,0
		600 гача	2,0	2,5	3,5
		600 дан ортиқ	2,5	3,5	4,5
Алоқа объектлари					
16.	Туман автоматик телефон станцияси	Рақамлар сони			
		25 — 30 минг	4,1	4,5	5,9

Изоҳ:

1. 11 ва 13-жадвалларда муҳандислик тармоқлари ва йўлларни лойиҳалаш ишларининг давомийлиги уларнинг узунлиги 500 p.m га тенг деб ҳисобланади. Турли узунликдаги ушбу объектларни лойиҳалаш муддатини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$П=П_{500} \times Х \times К_{туз}$

бу ерда:

П — муҳандислик тармоқлари ва йўлларини лойиҳалаш ишларининг давомийлиги;

$П_{500}$ — узунлиги 500 p.m бўлган муҳандислик тармоқлари ва йўлларни лойиҳалаш муддати;

Х — муҳандислик тармоқлари ва йўллар узунлиги, бир неча 500 p.m.;

$К_{туз}$ — коммунал тармоқлар ва йўллар узунлигини ҳисобга олувчи тузатиш коэффициенти;

Тармоқлар ва йўлларнинг узунлигига тузатиш омиллари қуйидаги жадвалда келтирилган:

Х	*500 гача*	*1000*	*2000*	*5000*	*5000 дан ортиқ*
$К_{туз}$	*1,0*	*0,9*	*0,8*	*0,7*	*0,6*

Муҳандислик тармоқлари ва йўллар узунлигининг оралиқ қиймати билан интерполяция йўли билан ($К_{туз}$) аниқланади.

2. Комплекс лойиҳани лойиҳалаш ишларининг давомийлигини белгилашда, комплексга киритилган алоҳида тузилмаларни лойиҳалаш вақтининг комбинациясини ҳисобга олиш керак.

3. Канализация тизимидаги телефон кабелларини лойиҳалашда биринчисидан ташқари ҳар бир кейинги кабель 0,5 тузатиш коэффициенти бўлган кабель учун жадвалга мувофиқ лойиҳалаш ишларининг давомийлиги мўлжалланган.

12-§. Коммунал хўжалиги объектлари

12-жадвал

Т/р	Объект номи	Объектнинг натурал кўрсаткичлардаги қуввати	Лойиҳалаш муддати, ой		
			лойиҳа ҳужжатлари	ишчи ҳужжатлар	лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар
1	2	3	4	5	6
	Автотранспорт воситаларини сақлаш объектлари				
1.	Автомобилларни доимий ва вақтинча сақлаш учун мўлжалланган очиқ ер усти автотураргоҳи: бир қаватли кўп қаватли	Авто/жой			
		100	3,2	4,1	4,5
		100	4,1	4,5	5,1
		300	5,0	6,3	7,7
		500	5,9	7,7	9,9
2.	Енгил автомобиль воситалари учун автотураргоҳ (бир қаватли)	Авто/жой 100	3,6	4,4	5,0
3.	Автомобиллар учун кўп қаватли гаражлар	Авто/жой			
		100	4,4	5,0	5,6
		300	5,4	6,6	8,1
		500	6,1	7,9	10,4
4.	Ер ости тўхташ жойлари (иситиладиган, иситилмайдиган): бир қаватли кўп қаватли	Авто/жой			
		100	4,5	5,0	6,3
		100	5,0	5,4	6,8
		300	5,9	6,8	8,6
		500	6,3	8,1	10,6
Автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш объектлари					
5.	Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси	Ёқилғи қуйиш сони, суткада			
		250	1,8	2,0	2,7
		500	2,0	2,3	3,2
		750	2,3	2,7	3,6
		1000	2,5	3,2	4,1
6.	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси	Станциялар сони			
		10	2,3	2,7	3,6
		25	2,7	3,2	4,5
		30	3,2	3,6	5,0

13-§. Кўчалар ва йўллар

13-жадвал

Т/р	Объект номи	Объект-нинг табиий кўрсаткичлардаги қуввати	Лойиҳалаш муддати, ойларда		
			лойиҳа ҳужжатлари	ишчи ҳужжатлар	лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар
1	2	3	5	6	7
Кўча-йўл тармоғи иншоотлари					
1.	Бир томонлама трамвай йўли	p.m			
		5,0 дан ортиқ	0,5	1	1,5
2.	Шаҳар автомагистрали: маҳаллий туман шаҳар миқёсидаги аҳамиятга эга.	500 p.m			
			1	1	2
			1	1	2
			1	1	2
3.	Кўприк, ер ости йўли, эстакада ўтиш қисми	1000 m^2	1	2	3

ШНҚ 1.01.06-23 «Лойиҳалаш ишларининг давомийлиги. Турар жой ва фуқаровий объектлар» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Кўп функцияли комплекснинг лойиҳасини ишлаб чиқиш намунавий тақвимий жадвали

Т/р	Объект номи	Ойлар											
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	12	13
1.	Касалхона												
2.	Поликлиника												
	Тез ёрдам станцияси												



Изоҳ: кўп функцияли комплекс биноларини лойиҳалаш ишларининг давомийлиги:
а) касалхона — 6.8 ой.
б) поликлиника — 3.2 ой.
в) тез ёрдам станцияси — 2.7 ой.

ШНҚ 1.01.06-23 «Лойиҳалаш ишларининг давомийлиги. Турар жой ва фуқаровий объектлар» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА

Асосий объектлар билан ташқи муҳандислик тармоғи, шунингдек биноларнинг ёнига бириктириб ва юқорисига қуриладиган хоналарни лойиҳалаш жараёнини бирга олиб боришда лойиҳалаш ишларининг давомийлигини аниқлаш коэффициентлари

Ҳужжатлаштириш тури	$K_{бир}$ қиймати	
	Ташқи муҳандислик тармоқларига	Ички ёрдамчи хоналарга
Лойиҳа ҳужжатлари	0,3	0,5
Ишчи ҳужжатлар	0,3	0,55
Лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар	0,35	0,6